

Набий алайҳиссаломнинг мўъжизалари



14:00 / 30.11.2023 1357

أَفِي وَحَّتْ أَعْنَ وَدَعَّتْ مُنَّ وَأَوَّكَ رَبِّتْ أَيَّالاً دُعْنَ أَنْكَ بَلَّاقُ هُنَّ عُهُلَلَا يَضَرُّهَلَلَا دَبَّعْنَ عِ
أَوْبُلُطَا» بَلَّاقُفُ، أَمَّالْ لَقَفُ، رَفَسُ يَفِ مَلَسُو هِيلَعِ هَلَلَا يَلَصَّهَلَلَا لُؤْسَرَعَمُ أَنْكَ
سَّيْحُ» بَلَّاقُ مُثَّءَانِإِلَا يَفِ هَدَيْ لَخْدَأَفُ، لَيْلَقُ أَمَّهَيْفِءَانِإِبِ أَوْءَآجَفِ. «أَمَّ نَمَّ ةَلْضَفِ
عَبَّأَصَّأَنْبَيْبُ نَمَّ غُبْنَيْءَ أَمَّالْ تَيْ أَرْدَقَلَفِ. «هَلَلَا نَمَّ ةَلْكَرَبُّلَاوْ، كَرَّابُّمَلَّارُوءُ طَلَا يَلَعِ
لُكُّؤُيْ وَوَهْمَ أَعَّطَلَّأَحِ بَسَّتْ عُمَسَّنْ أَنْكَ دَقَلَوْ، مَلَسُو هِيلَعِ هَلَلَا يَلَصَّهَلَلَا لُؤْسَرِ
هِيلَعِ هَلَلَا يَلَصَّيْبَّالْ عَمَّ مَ أَعَّطَلَّأَلْ كُنَّ أَنْكَ بَلَّاقُفُ يَدْمَرَّتْ لَأَوْ رَآخُبُّلَا هَأَوْرِ
مَ أَعَّطَلَّأَحِ بَسَّتْ عُمَسَّنْ نَحَّوْ مَلَسُو

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз мўъжизаларни барака деб ҳисоблар эдик. Сизлар уларни қўрқитиш деб ҳисоблайсизлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда эдик. Сув оз бўлиб қолди. Бас, у зот:

«Ортиб қолган сув бўлса, олиб келинглар», дедилар.

Озгина суви бор бир идишни олиб келдилар. Расулulloҳ алайҳиссалом қўлларини идишга солиб туриб:

«Муборак таҳорат сувига шошилинглар! Барака Аллоҳдан», дедилар. Батаҳқиқ, сувнинг у зотнинг бармоқлари орасидан отилиб чиқаётганини кўрдим. Шубҳасиз, биз ейилаётган таомнинг тасбеҳ айтаётганини эшитар эдик».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Унинг лафзида:

«Батаҳқиқ, таомни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ер эдик. Биз таомнинг тасбеҳини эшитар эдик», дейилган.

هَلَلَا يَلْصُقُ بِنَلَا تَيْتَافُ، نُنْدِي دَهْجَلَعَوُ وَيَبْأَيِّفُوتُ: لَأَقُوهُ نَعُوهَلَلَا يَضَرَّرَبْأَجْ نَعُ
وَالْوُجُحُ نَجُحُيْ أَمَّالْ إِيْدِنَعَسَيْلَوُ، أَنْدِي دَهْجَلَعَكَرَتْ يَبْأَنَّ: تُلُقُفْ مَلْسُو هَيْلَع
ءَامْرُغُلَا يَلَعَشْحُفِيْ أَلْ يَكُلْ يَغْمَقْلَطْنَا فءَهْجَلَعْ أَمَنْنِي نَسُجُحُيْ أَمَّعُغْلَبِي
«هُوْءُزْنَا»: لَأَقُفْءَهْجَلَعَسَلَجْ مُثْ، رَخَّامْ، أَعَدَفْ رُمْتَلَا رِدَايَبْ نَمْرَدِيْ بَلَوْحْ يَشَمَفْ
يِرَاخُ بَلْأَهْأَوْرُ: مُهْأَطْعْ أَمَّ لُتْمَ يِقَبَوُ، مُهَلْ يَدَّلَا مُهْأَفْ وَأَفْ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Отам вафот қилди. Унинг зиммасида қарзи бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб:

«Отам ўз зиммасидаги қарзни қолдирди. Менда унинг хурмоси чиқарадиган нарсдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Унинг йиллар бўйи чиқаргани ҳам зиммасидаги қарзга етмайди. Мен билан борсангиз, ҳақдорлар менга қаттиқ тегмасалар», дедим.

Ул зот мен билан хурмо хирмонларидан бирининг атрофида юрдилар-да, Аллоҳга дуо қилдилар. Кейин бошқасини ҳам шундай қилдилар ва унинг устига ўтириб олиб:

«Уни ўлчаб олинглар», дедилар.

Уларга ҳақларини тўлиқ қилиб бердилар. Яна уларга берган нарсаларича ортиб қолди».

Бухорий ривоят қилган.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Отам вафот қилди. Унинг зиммасида қарзи бор эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб: «Отам ўз зиммасидаги қарзни қолдирди. Менда унинг хурмосидан чиқадиган нарсдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Унинг йиллар бўйи чиқаргани ҳам зиммасидаги қарзга етмайди. Мен билан борсангиз, ҳақдорлар менга қаттиқ тегмасалар», дедим. У Зот мен билан хурмо хирмонларидан бир хирмон атрофида юрдилар-да, Аллоҳга дуо қилдилар. Кейин бошқасини ҳам шундоқ қилдилар ва унинг устига ўтириб олиб: «Уни

ўлчаб олинлар», дедилар. Уларга ҳақларини тўлиқ қилиб бердилар. Яна уларга берган нарсаларича ортиб қолди».

Бухорий ривоят қилган.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Масжиднинг шифти хурмо шохлари устига ёпилган эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша шохлардан бирига суяниб туриб хутба қилар эдилар. У Зотга минбар қилиб берилганда ва у Зот унга чиққанларида ҳалиги шохнинг ҳомиласига ўн ой тўлган туянинг овозига ўхшаш овозини эшитдик. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, унинг устига қўлларини қўйган эдилар, у жим бўлди.

Бошқа бир ривоятда:

«Жума куни бўлганда ва у Зот минбарга кўтарилганларида, хурмо бувак йиғлагандек овоз чиқарди», дейилган.

Бухорий ва Насай ривоят қилган.

Термизийнинг лафзида:

«Бас, хурмо шохи урғочи туя зорлангандек зорланди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тушиб уни ушлаган эдилар, сокин бўлди», дейилган».

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан юриб бориб кенг водийга тушдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳожат учун кетдилар. Мен ортларидан бир идишда сув олиб бордим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам назар солиб, ўзларига тўсиқ бўладиган нарса кўрмадилар. Водийнинг четида икки дарахт кўришиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг бири томон юриб кетдилар. Унинг шохларидан бирини тутиб туриб: «Аллоҳнинг изни ила менга эргаш», дедилар. Бас, у ул Зотга худди бурнидан ҳалқа ўтказилган туя ўз етакчисига эргашганига ўхшаб эргашиб кетди. У Зот бошқа дарахтнинг олдига келиб, унинг шохларидан бирини тутиб туриб: «Аллоҳнинг изни ила менга эргаш», дедилар. Бас, у ҳам ул Зотга эргашди. Икковларининг ўртасига етганда уларни улаб туриб: «Иккинги, Аллоҳнинг изни ила, мени тўсинги», дедилар. Улар бир-бирларига киришдилар. Жобир айтадики: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг яқиндалигимни сезиб қолиб узоқлашмасинлар деб,

тезлаб у ердан кетдим. Ўтириб, ўзимга ўзим гапириб бир оз вақтни ўтказибман. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мен томон келмоқдалар. Икки дарахт эса ажраб ҳар бири ўз ўрнига ўрнашибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларини қимирлатиб, бундоқ-бундоқ деганларини кўрдим. Сўнгра юриб олдимга келдилар ва: «Эй Жобир, менинг мақомимни кўрдингми?» дедилар. «Ҳа, ё Расулуллоҳ», дедим мен».

Муслим ривоят қилган.

«Ҳадис ва Ҳаёт» китобининг 19-жузидан.